

ШЕРОБОД ТУМАНИДА “ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ” БЎЛИБ ЎТДИ



Туманимиздаги Маданият марказида туман ҳокимлиги, Дин ишлари қўмитаси вилоят бошқармасининг Шеробод тумани бўйича масъул ходими Ж.Тожиев, маънавият ва маърифат бўлинмаси, халқ таълими бўлими, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман Кенгаши, туман Ахборот-кутубхона маркази, туман маданият бўлими, 8-сонли БМСМ, туман мактабгача таълим бўлими томонидан ташкил этилган “Дўстлик фестивали” ҳам бунинг яққол исботи дейиш мумкин. Тадбир давомида таниқли санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар, рақслар байрам иштирокчиларига аъло кайфият улашди.